
Бешариқ туман ҳокимлигининг мажлислар залида Халқ депутатлари Бешариқ туман Кенгашининг навбатдаги 103-сессияси бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги биринчи масала “Аёллар дафтари” бўйича кўрсатилган ёрдамлар ва қилинган ишлар тўғрисида туман ҳокими ўринбосари Гулчехра Юлдашеванинг ҳисоботи тингланди.

Ундан сўнг, туманда 2024 йил 3 ойи давомида амалга оширилган ишлар юзасидан туман ИИБ ахбороти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли қарорининг 7-бади ижроси юзасидан Бешариқ тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси директорининг ҳисоботи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2023 йил 13 декабрдаги 3787-IV/КҚ-642-IV-сон Қўшма қарори ижроси юзасидан Бешариқ туманида қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатини ўганиш юзасидан Давлат кадастрлари палатаси Бешариқ тумани филиали бошлиғининг ҳисоботлари тингланди.

Сессия ишида туман кенгаши депутатлари, тегишли ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари сессия мобайнида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилгач, сессия ўз ишини якунлади.

Бешариқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

2024-04-21 11:44:24